O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI OLIY MAJLIS PALATASI

Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган ● E-mail: xalksuzi@uzpak.uz ● 2003 йил 12 март, №57 (3169) Чоршанба

Баҳорнинг бир куни йилни боқади

Кеча чигитни плёнка остига, шунингдек, очиқ майдонларга экишга тайёргарликнинг аҳволи ва кузги бошоқли дон экинларининг ҳолати, уни озиқлантириш, суғориш ва бегона ўтларга қарши кураш масалаларини муҳокама қилган республика сим орқали кенгаши бўлиб ўтди. Қорақалпоғистон Республикаси ва барча вилоятларнинг марказларида ҳокимлар, агросаноат тизимига қарашли идораларнинг раҳбарлари, қишлоқ хўжалигига хизмат кўрсатувчи соҳа мутахассислари, ширкат, деҳқон ва фермер хўжаликлари мутасаддилари иштирок этган кенгашда Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси И.Жўрабеков кун тартибидаги масалалар бўйича ҳозирги вазиятни баён этди.

Асосий эътибор ўтган йилги сабоқлар ва шу кеча-кундузда йўл қўйилаётган камчиликларга қаратилди. Тажрибанинг кўрсатишича, сифатли текисланган ва пушта олинган ерларда кўчат текис ва қийғос ундириб олинади. Ниҳол сел ва ёмғирдан кам талофат кўради ва баравж ўсади. Лекин пушта олиш ишлари Навоий вилоятида бор-йўғи 11,5 фоиз, Қашқадарёда 13,4, Самарқандда – 13,8, Бухорода – 24, Фарғона вилоятида 28,1 фоизга таъминланганлигини қандай баҳолаш мумкин? Умуман мамлакат далаларида ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан 272 минг гектар ер кам текисланган, 161 минг гектар кам пушта олинган. Айни пайтда ерларнинг шўрини ювиш, чигитни плёнка остига экишга тайёргарлик кўриш, кузги дон экинларини парваришлаш соҳасидаги камчиликлар аниқ манзиллари кўрсатилган ҳолда таҳлил қилинди.

Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирининг биринчи ўринбосари С.Бегалиев ахборотида жойларда экиш мавсумига тайёргарлик кўриш ва кузги бошоқли дон экинлари парвариши бўйича бугунги аҳвол таҳлил қилинди.

Сим орқали кенгашда қатор вилоятларнинг ҳокимлари чигит экиш, ғаллазорларни озиқлантириш, суғориш ва бегона ўтларга қарши кураш борасида амалга оширилаётган ишлар ҳақида ахборот беришди, шунингдек мавжуд камчиликларни бартараф этиш бўйича нималар қилинаётганлиги тўғрисида сўз юритишди.

Маълум бўлишича, Андижон вилоятида экиш техникаси ўтган йилдаёқ тайёрлаб қўйилган. Бу йилги баҳорнинг серёғин келаётганлиги туфайли чигит экиш кечаю-кундуз ўтказилиши кўзда тутилмоқда. Андижонликлар ернинг чигит тушадиган қатлами 8-9 даража исиганда уруғ экишга одатланишган. Вилоятда бу йил ҳам барча майдонларда чигит плёнка остига экилади.

Фарғоналиклар 115300 гектар пахта майдонининг 45 минг гектарига плёнкани қўллашмоқчи эди. Лекин андижонликлар тажрибасини ўрганишгандан кейин бу рақамни 55 минг гектарга етказишга қарор қилишди. Плёнка остига чигит экиш 10-12 кун ичида тугалланади. Бу масала бўйича вилоятнинг барча туманларида ўқув семинарлари ўтказилди.

Наманган туманида қишлоқ хўжалиги техникалари таъмири мутахассислар кўригидан ўтказилди. Ҳозиргача кўзда тутилган плёнканинг асосий қисми Андижон вилоятидаги корхонадан олиб келинди. Шунингдек, 60 минг гектар ғаллазорда бегона ўтга қарши кимёвий усул қўлланилди. Асосий эътибор далада ишлаётганларга шароит яратишга қаратилди. Намангандан берилган ахборотга кўра, экинларни озиқлантириш учун ўғит таъминотида узилиш рўй бермоқда. Савол-жавоблар натижасида бу вилоятда боғ ва токзорлар ижараси учун пул тўлаш орқада эканлиги аён бўлди.

Самарқанд вилоятида 107 минг гектар майдонга чигит экиладиган бўлса, унинг 20 минг гектарига плёнка ишлатилади. Шу кунларда вилоят тупроқ-иқлим шароитига мос "Оқдарё — 6" ва "Омад" навли уруғлик чигит тайёрлаб қўйилди. Сеялкалар қайта-қайта кўрикдан ўтказилди. Самарқандлик ҳокимлар ва хўжалик раҳбарлари икки марта Андижон деҳқонларининг тажрибасини ўрганиб қайтишди.

Бухоро вилоятида 250 минг гектар майдоннинг шўри 2-3 марта ювиб чиқилди. Берилган ахборотга кўра экишга тайёргарлик ўтган йилдагидан илдам суръатда кетмоқда. Ҳамма жойда экипажлар ўқуви ўтказилди. Бухороликлар ўтган мавсумда плёнка остига чигит экиш кечикиб кетганлигини тан олдилар.

Қашқадарёда плёнка остига чигит экиш бошланиб кетди. Мазкур тадбир 22 март куни якунланиши кўзда тутилмоқда. Айни пайтда ғаллазорларни суғориш, озиқлантириш туну кун ташкил этилган. Афсуски, вилоятда қишлоқ хўжалиги экинлари зараркунандаларига қарши курашиш талаб даражасида эмаслиги маълум бўлди. 71 та биолабораториядан атиги 63 таси ишга шай. 148 минг гектар майдондан эндигина 55 минг гектари текисланган.

Хоразм вилоятида чигит экишни 10-12 кунда якунлаш кўзда тутилмоқда. Воҳада уруғликни сифатли ҳозирлаш масалаларига эътибор қаратилган. Айни пайтда ёнилғи-мойлаш материаллари билан таъминлаш, ўғит етказиб бериш орқада қолаётганлиги таъкидланди.

Сим орқали кенгаш

Сим орқали кенгаш якунида бугунги вазифалар аниқ белгилаб олинди. Чунончи, шўр ювишни 15 мартгача тугатиш, чигитни фақат пухта текисланган майдонларга экиш, полиэтилен плёнкаларнинг талон-торож бўлишига йўл қўймаслик долзарб вазифадир. Шунингдек, экиш агрегатларини зарур эҳтиёт қисмлар билан таъминлаш, чигитни албатта гербицид билан экиш, Қорақалпоғистондан ташқари барча вилоятларда плёнка остига чигит экишни 5 апрелгача тугатиш зарурлиги айтилди. Бу муддатдан кеч қолган жойларда плёнкани ишлатиш кўзланган самарани бермайди. Шунингдек, уруғлик экиладиган майдонларга қараб берилиши уқтирилди. Айни пайтда кузги ғалла майдонларини минерал ўғитлар билан озиқлантириш ҳафта-ўн кун ичида якунланиши лозим. Жиззах, Сирдарё, Самарқанд вилоятларида ғаллазорларга гўнг чиқариш яхши йўлга қўйилган. Бу тажриба бошқа вилоятларда ҳам кенг қўлланилиши керак.

Яна бир таъкидланган масала — фермерлар хўжалик субъектлари билан бевосита шартнома тузишлари ҳақида бўлди. Эндиликда фермерлар ширкат ёки уюшма воситасида иш кўриши ислоҳотлар талабига зиддир.

Қишлоқ хўжалигидаги энг долзарб масалалар муҳокама этилган кенгаш якунидан сўнг ҳамма вилоят марказларида долзарб вазифалар юзасидан яна бир бор гаплашиб, амалга оширилиши лозим бўлган юмушлар аниқлаштириб олинди.

Албатта, кенгашда эшитилган ахборотлар жойларда қишлоқ хўжалиги соҳасида ислоҳотларни чуқурлаштириш бўйича муайян ишлар амалга оширилаётганлигини кўрсатади. Шу билан бирга, берилган ҳамма маълумот ҳам ҳаётда ҳақиқий манзарани акс эттирадими, эътироф этилган танқидлар самараси рўй-рост намоён бўладими, берилган ваъдалар тўлиқ амалга ошадими — бу саволларга, насиб этса, вақти-соати келганда аниқ жавоб оламиз.

Кенгаш ишида Ўзбекистон Республикаси Президенти Давлат маслаҳатчисининг биринчи ўринбосари У.Исмоилов, Бош вазир ўринбосарлари Р.Азимов, М.Усмонов, Н.Юсупов иштирок этди.

Ш.ЖАББОРОВ.



Сифат ва масъулият

«Тошкентсут» акциядорлик жамоаси ҳар куни буюртма асосида пойтахтдаги мактаблар, мактаб-интернатлар, «Меҳрибонлик уйлари» ва касалхоналарга 20 турдаги сут ва сут маҳсулотларини етказиб бермоқда. Бу маҳсулотларнинг сифатини эса лаборатория бўлими ходимлари назорат қилиб боришади. Шу боис улар зиммасидаги масъулиятни чуқур ҳис қилган ҳолда меҳнат қилмоқдалар.

СУРАТДА: ***лаборатория бошлиғи Мария Эшонқулова ва бўлим ходими Дилором Раҳмонова иш устида.***

Нўъмонжон МУҲАММАДЖОНОВ олган сурат.

Қашқадарёнинг «олтин тери»си

Бу воҳанинг беполён кенгликлари бағридаги шувоқ ва бошқа гиёҳларга тўйган, тунда ҳатто йўлида учраган заҳарли ҳашоротларни ҳам ейдиган қоракўл қўйлари кўзиларининг териларини олтинга менгзашади. Шунинг учун қадимда ҳам Қашқадарё қоракўли «Буюк Ипак йўли» орқали жаҳоннинг турли нуқталарида шуҳрат қозонган.

Хўш, бугунги кунда бу ерда тармоқнинг аҳволи қандай? Ўша машҳур қоракўл қўйлар борми? Бор. Фақат айтиш мумкинки, наслчилик ишларига эътибор бироз сусайди. Зотдор қўчқорларни асраш ва кўпайтиришга етарлича аҳамият берилмади. Бироқ чўпонлар ўз отарларида ана шундай қоракўл қўйларни авайлаб боқмоқдалар.

Муборак туманидаги «Муборак» қоракўлчилик-наслчилик ширкат хўжалигида бўлиб ўтган Қашқадарё вилоят қоракўлчиларининг семинар-кенгашида шулар ҳақида сўз юритилди, мавжуд муаммолар, уларни бартараф этиш ҳақида фикр алмашилди. Кун тартибидаги масала юзасидан Ўзбекистон ветеринария илмий-тадқиқот институти лабораторияси мудири Анвар Орипов, «Ўзбек қоракўли» компанияси раиси Бастамқул Саидқулов маъруза қилдилар.

Семинар-кенгашда қоракўлчилар олдида турган долзарб вазифалар белгилаб олинди.

Семинар-кенгашда вилоят ҳокими Нуриддин Зайниев иштирок этди.

Н.РАВШАНОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

Тошкентда Японияниг Халқаро ҳамкорлик агентлиги (JICA), "Евроосиё" жамғармаси ҳамда Жаҳон кредит уюшмалари кенгаши (WOCCU) ҳамкорлигида ташкил этилган амалий семинар якунланди.

КРЕДИТ УЮШМАЛАРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ЙЎЛИДА

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки, юртимиздаги кредит уюшмалари, нодавлат ва нотижорат ташкилотлари, турли вазирлик ва идоралар, халқаро ташкилотлар вакиллари иштирок этган семинарда мамлакатимиз кредит уюшмалари фаолиятини ривожлантиришга доир долзарб масалалар муҳокама қилинди. Сўзга чиққанлар WOCCU ҳамда Япония ҳукуматининг кредит уюшмалари фаолиятини мувофиқлаштириш борасида тўплаган тажрибаси, мамлакатимизда тузилган илк кредит уюшмаларининг самарали фаолият юритиши учун зарур шароитларни яратишга доир фикрлари билан ўртоқлашди.

Айтиш жоизки, Ўзбекистонда кредит уюшмаларини ривожлантиришга жуда жиддий эътибор қаратилмоқда. Бунга 2002 йилда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси томонидан "Кредит уюшмалари тўғрисида"ги Қонун қабул қилингани ҳам мисол бўла олади.

Семинарда ана шу қонун доирасида амалга оширилаётган ишлар ҳамда мамлакатимиздаги кредит уюшмаларини қўллаб-қувватлашга қаратилган лойиҳалар хусусида ахборот берилди. Жумладан, ҳозирги кунда қишлоқ жойларда кредит уюшмалари тизимини шакллантириш ва ривожлантиришни мақсад қилган синов лойиҳаси амалга оширилмоқда.Осиё тараққиёт банки ва АҚШнинг Халқаро тараққиёт агентлиги (USAID) томонидан молиялаштирилаётган лойиҳа доирасида кредит уюшмалари тизими ва уларнинг фаолиятини назорат қилувчи тузилмаларни шакллантиришга техникавий ёрдам кўрсатилмоқда.

(ЎзА).

ТОШКЕНТ МЕБЕЛИГА ХОРИЖ ХАРИДОР...

Нега баъзи ватандошларимиз ҳамон четникига ишқибоз?

Пойтахтимиздаги дўконлардан бирида хорижнинг бежирим ва сифатли замонавий мебеллари нархини суриштирган бир киши шундай деди:

— Буларни харид қиладиганлар ҳам борми ўзи?

— Ҳафтада ёки ўн кунда биттаси сотилади, — деди сотувчи.

Маълумотларга қараганда, ўтган йили чет давлатлардан мамлакатимизга 24 миллион АҚШ доллари миқдорида мебель олиб келинган. Буни ўқиган кишида, табиийки, савол туғилади: нима, ўзимизнинг мебелларимизнинг сифати ёмонми, харидоргир эмасми? Нима учун ҳамон хориждан бундай товарларни олиб келиш давом этяпти? Ёки соҳада амалга оширилаётган ислоҳотлар кутилган самарани бермаяптими?

Тўғрисини айтадиган бўлсак, кейинги пайтда республикамизда сифати, дизайни, ташқи кўриниши, замонавийлиги жиҳатидан четникидан қолишмайдиган мебеллар тайёрланмоқда. Бунга «Файз» холдинг компаниясининг корхоналарида ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар яққол мисол бўла олади. Лекин кўпгина ташкилот, идора, муассаса раҳбарлари ва имконияти бор одамлар ҳамон хориждан мебель олиб келиш дардидан қутила олмаётганга ўхшайдилар.

Майли, пул топибдими, кўнглига ёққанини харид қилсин, дейиш ҳам мумкиндир. Аммо масаланинг бошқа бир томони ҳам борки, бу юртимиздаги ҳар бир кишига таалуқли, деб ўйлаймиз. Гап шундаки, валюта ҳисобига келтирилган мебелларни сотиб олиш уларни ишлаб чиқарган давлатларнинг иқтисодиётини мустаҳкамлашга хизмат қилади. Шуни билиш, тушуниш қийин эмас-ку? Қани бизда ватанпарварлик тушунчаси? Агар ўша маблағлар технологияларни харид қилишга сарфланса, Ватанимиз янада бойимайдими? Идорасидаги хорижнинг стол, стул, шкаф ва айланадиган креслоларини кўрсатиб, баъзи раҳбарларнинг «импортний, зўр», дейишлари аслида уларнинг савияси қай даражада эканлигини англатмайдими?

Биз фикримизнинг исботи сифатида «Тошкентмебель» ҳиссадорлик жамиятида бўлиб, бу ерда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар билан танишдик. Ўтган йили 381 миллион сўмлик турли хил мебеллар тайёрланган. Шу йили корхона тендерда ютиб чиқиб, лицейлар учун ўқув мебеллари ишлаб чиқариш ҳуқуқини қўлга киритган. 2000-2001 йилларда 80 минг АҚШ доллар қийматидаги маҳсулот четга экспорт қилинган.

— Бизда мустаҳкам, пишиқ, сифатли, чет элникидан анча арзон ва жаҳон андозалари талабларига жавоб берадиган мебеллар тайёрлайдиган тажрибали ва малакали мутахассислар кўп, —дейди ҳиссадорлик жамияти бошқаруви раиси Тўрабек Назаров. — Шу билан бирга маҳаллий хомашё ҳам етарли. Масалан, ёнғоқ, тол, терак, қайрагоч ва дуб каби дарахтлар бор. Ҳозир маҳсулотларимизнинг 70 фоизи ана шу маҳаллий хомашёлардан ишлаб чиқарилмоқда. Уларнинг сифати хорижникидан асло қолишмайди. Айниқса, қулайлилиги, дизайни, ташқи кўриниши ва арзонлиги жиҳатидан халқимизга манзур бўлмоқда.

Бундай жамоалар «Файз» холдинг компанияси тизимида кўплаб топилади. Шундай экан, ҳуда-беҳудага ҳотамтойлик қилиб, четнинг мебелларига маблағ сарфлаш ўринлимикин?

Ҳозир ривожланган давлатлар қаторидан ўрин олган Япония, Германия, Жанубий Кореянинг тарихига бир назар ташлайлик. Бундан 50-60 йил илгари ушбу мамлакатлар иқтисодиётида ҳам худди бизнинг республикамиз каби ривожланиш даври бўлган. Табиийки, ҳеч бир давлат бу босқични четлаб ўтолмайди. Ана шундай пайтда фуқаролар давлатларини қўллаб-қувватлаш мақсадида фақат ўзларида ишлаб чиқарилган маҳсулотларини харид қилишган. Ана ватанпарварлик, ўз Ватанини қўллаб-қувватлаш ва уни ҳурмат қилишнинг амалий исботи.

Биз қачонгача четга кўз тикиб ўтирамиз? Ахир, бугун соҳани ривожлантирсак, эртага унинг самарасини ўзимиз кўрамиз-ку? Шояд келгусида фарзандларимиз Италия, Германия давлатларидан устун турадиган мебелларни четга экспорт қилишса! Халқимизда «Яхши ният, ярим давлат» деган мақол бежиз айтилмаган.

Зеро, Президентимиз таъкидлаганидек, биз ҳеч кимдан кам эмасмиз ва ҳеч кимдан кам бўлмаймиз ҳам.

Ҳосил КАРИМОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

Пойтахтимизда

Раҳбар аёлнинг жамиятдаги ўрни

Ўзбекистон хорижий мамлакатлар билан дўстлик ва маданий-маърифий жамиятлари Кенгаши, Тошкент шаҳар Собир Раҳимов тумани ҳокимлиги ҳамкорлигида ана шундай, деб номланган семинар ўтказилди

Тадбирда Дўстлик жамиятлари Кенгашининг мутахассис аёллари, Собир Раҳимов туманининг раҳбар аёллари, «Ўзбекистон-Хитой» дўстлик жамияти аъзолари, Хитой Халқ Республикасининг Ўзбекистондаги элчихонаси ходимлари, Тошкент шаҳрида фаолият олиб бораётган жамоат ва ташкилотлар раҳбарлари ҳамда журналистлар қатнашдилар.

Раҳбар аёл ким? У қандай фазилатларга эга бўлиши лозим? Аёллар ва раҳбарлик хусусиятларини уйғунлаштириш қийинми? Бу ҳақда Собир Раҳимов туман ҳокими ўринбосари, хотин-қизлар қўмитаси раиси Муқаддам Расулова, республика кўз касалликлари клиникаси бош шифокори Клара Валиева, Миллий университет хотин-қизлар қўмитаси раиси Лаълихон Муҳаммаджонова, Байналмилал маданият марказининг бўлим бошлиғи Муножот Нурматова ва бошқаларнинг маърузаларида батафсил сўз юритилди.

Г. ҲУСАНОВА, «Халқ сўзи» мухбири.

Жойлардан хабарлар

Янги илмий журнал

Мамлакатимизда чоп этилаётган илмий, илмий-педагогик нашр яна бир журнал билан бойиди. Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг «Бюллетен» деб номланган бу нашри республикамиз илмий жамоатчилиги учун яхши совға бўлди.

Янги журналнинг биринчи сони қизиқарли материалларга бой. Унда Олий аттестация комиссиясининг ўтган бир йиллик фаолияти ҳисобот ва йил якуни сифатида кенг ёритилди.

Нашрни чоп этишдан мақсад, мамлакатимиз илмий ва илмий-педагогик жамоатчилигини шу соҳа йўналиши бўйича янгиликлардан бохабар қилишдир.

Акбар АЛИЕВ.

Бухорода танлов

Улуғ юртдошимиз Абухолиқ Ғиждувоний таваллудининг 900 йиллиги муносабати билан халқаро «Олтин мерос» жамғармасининг Бухоро вилояти бўлими ҳамда Ғиждувон тумани ҳокимлиги ҳамкорликда аллома фаолиятига бағишланган энг яхши мақола ва илмий, бадиий асарлар танловини ўтказишга қарор қилди.

Танлов икки босқичда бўлиб, у келгуси йил Ўзбекистон мустақиллиги куни байрамига қадар давом этади.

«Туркистон-пресс».

«Халқ сўзи» назоратида

Кўза кунида синади
ёки ўз молига ўзи қалб қилганлар хунуғида

Бошқа қайтарилмайди

Газетамизнинг шу йилги 7 февраль сонида чоп этилган "Кўза кунида синади" сарлавҳали мақолада темирйўл транспортининг айрим ходимлари турли хил маҳсулотларни қонунга хилоф тарзда мамлакатимиз ҳудудига олиб киришга уринганликлари хусусида сўз юритилганди. Жумладан, "Темирйўлрефтранс"нинг Сирдарё бўлими катта механиги Ж.Амонов шериги И.Ражибоев билан бирга 4-1755 "Москва — Чуқурсой" йўналишидаги юк поездининг 87770178 рақамли рефрижераторида умумий қиймати қарийб ўн миллион сўмлик дори-дармонларни ҳеч қандай ҳужжатларсиз олиб келаётганида қўлга тушгани хабар қилинганди. Шунга кўра, яқинда Сирдарё "ЙўлРефТранс" очиқ акциядорлик жамияти корхонаси бошлиғи О. Аманқуловдан қуйидаги расмий жавобни олдик:

"Мақола жамоамизнинг кенгайтирилган умумий мажлисида муҳокама қилинди. Пировардида Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 6 майдаги "Жисмоний шахслар томонидан Ўзбекистон Республикаси ҳудудига товар олиб келинишини тартибга солиш тўғрисида"ги қарори корхона аҳли ўртасида етарли даражада ўрганилмагани маълум бўлди. Буни муҳокама чоғи сўзга чиққан мутасаддилар ҳам таъкидлаб, ўз камчиликларини ошкора тан олишди.

Йиғилишда мақолада мисол келтирилган жиноятга ўхшаш ҳолат қайтарилмаслиги, иш интизомини мустаҳкамлаш, қонунлар ва қарорлар тарғиботини кучайтириш юзасидан тадбирлар белгиланди. Тартиб-интизомни бўшаштириб юборган айбдор раҳбарларга нисбатан чоралар кўрилди".

МАНФААТЛАР УЙҒУНЛАШГАНДА

АҚШ ва Ўзбекистон Республикаси ўртасида стратегик ҳамкорлик ва шериклик асослари тўғрисидаги декларация имзоланганлигига бир йил тўлди

Бугун Ўзбекистон ва АҚШ ўртасидаги ҳамкорлик, агар минтақанинг географик жойлашуви, табиий ва инсон ресурслари, иқтисодий салоҳияти назарда тутилса, алоҳида аҳамият касб этади. Америка томони Марказий Осиёда барқарорликни таъминлаш ва иқтисодий интеграциялашувда Ўзбекистоннинг ҳал қилувчи мавқеини бир неча бор таъкидлаб келмоқда.

2002 йилнинг март ойида стратегик ҳамкорлик ва шериклик асослари тўғрисидаги декларация имзолангач, ҳар иккала томон муносабатлари ўз такомилининг сифат жиҳатдан янги босқичига ўтди ва иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш, минтақавий хавфсизликни таъминлаш, жумладан, ядро қуроли, терроризм, гиёҳванд моддалар тарқалишига йўл қўймаслик, барқарорлик ва тараққиётнинг узоқ муддатли кафолати сифатида демократик, сиёсий институтлар шаклланиши соҳаларида муваффақиятли ривожланиб бормоқда.

Мамлакатимиз ташқи иқтисодий фаолиятида АҚШ билан савдо алоқалари муҳим ўрин тутади. Ўзбекистоннинг АҚШга экспорти ошишида тайёр маҳсулот (тўқимачилик соҳаси ва хизматлар) салмоғи бирмунча ижобий омил ҳисобланади. Америка компаниялари тоғ-кон ва нефть-газ мажмуасида бир қанча устувор инвестиция лойиҳаларини амалга оширишда, агросаноат мажмуи, озиқ-овқат саноати ва транспорт инфратузилмасида технологик базаларни ривожлантиришда иштирок этмоқдалар. Булар орасида «Зарафшон – Ньюмонт» («Ньюмонт Майнинг» корпорациясида) қўшма корхонаси, Хўжаобод ерости газ омбори қурилиши (Би-Эс-Ай индастриз Инк), полиэтилен ишлаб чиқарадиган Шўртан газ-кимё мажмуи (АББ Лummус Глобал), «Ўз-Тексако», «ЎзКейсмаш», «ЎзКейстрактор», «ЎзЭксайд» қўшма корхоналарини таъкидлаш лозим. Ўзбекистонда Америка сармоядорлари иштирокида яратилаётган 305 та корхона (улардан 233 таси қўшма корхона) тоғ-кон, кимё, енгил, озиқ-овқат, машинасозлик саноатлари ва бошқа соҳаларда фаолият юритмоқда.

Ўзбекистон вакилларининг Америка ҳарбий тузилмалари дастурлари (ИМЕТ)даги иштироки ҳамкорликнинг муҳим қисми ҳисобланади. АҚШ республикамиз Қуролли Кучлари мудофаа қобилиятини оширишга, уни бошқарувнинг ҳозирги замон талабларига жавоб берувчи янги шаклларига секин-аста ўтказиш борасида яқиндан кўмаклашмоқда. Гиёҳванд моддалар, оммавий қирғин қуролига мансуб технологиялар ва материаллар ноқонуний ҳаракат қилишининг олдини олиш, шунингдек, уюшган трансмиллий жиноятчилик йўлини тўсиш мақсадларида чегаралар дахлсизлигини таъминлаш ҳамда самарали назоратни амалга оширишда (бу ўринда чегара ва божхона хизматларини ривожлантириш, экспорт назоратини ўрнатиш, терроризмга қарши кураш соҳасида ҳамкорлик қилишдаги кўмак ҳам назарда тутилади) ҳар томонлама ёрдам берилмоқда.

Шундай қилиб, Ўзбекистон ва АҚШ ўртасидаги ҳамкорлик бугунги кунда кўп томонлама ва ўзаро наф келтирувчи аҳамият касб этмоқда.

Назокат ҚОСИМОВА,
сиёсий фанлар доктори,
Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети доценти.

ҚУТҚАРУВЧИЛАР ТАЖРИБА АЛМАШАДИ

Фарғонада НАТО ва Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлиги ҳамкорлигида ташкил этилаётган "Фарғона-2003" ўқув машғулотларига тайёргарликнинг боришига бағишланган охирги халқаро конференция бўлиб ўтди.

Президентимиз Ислом Каримов 2002 йилнинг ноябрида бўлиб ўтган Евроатлантика ҳамкорлик кенгаши саммитида сўзлаган нутқида: "Биз НАТО билан тобора ривожланиб бораётган ҳамкорлигимизни юксак қадрлаймиз ва Куролли Кучларимизни ислоҳ қилиш, ҳарбий кадрларни тайёрлаш учун ўқув ва ахборот марказларини ташкил этиш, чегараларни замонавий воситалар билан жиҳозлаш, терроризмга қарши курашиш борасида тайёргарликни янада такомиллаштиришга йўналтирилган шериклик муносабатларимизни кенгайтириш тарафдоримиз", деб таъкидлаган эди.

Шу билан бирга, Юртбошимиз уқтирганидек, НАТО ва Евроатлантика ҳамкорлик кенгаши билан демократик ва фуқаролик институтларини мустаҳкамлаш ҳамда ривожлантириш, инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳимоя қилиш, иқтисодий ислоҳотларни амалга ошириш, экологик хавфсизликни кучайтиришга кўмаклашиш масалалари бўйича ҳамкорлигимизнинг реал истиқболлари мавжуд.

Ўзаро ҳамкорлигимизнинг изчил ривожланаётган яна бир йўналиши - биргаликда ўқув машғулотлари ўтказиш, табиий офатларнинг олдини олиш ва оқибатларини бартараф этиш билан боғлиқ. Зеро, ҳар қандай фавқулодда вазиятга мутахассислар, яъни қутқарувчиларнинг аралашуви ниҳоятда зарур. Бу эса, албатта, қутқарувчиларнинг нафақат бундай ҳолатларга доимо шай бўлишини, балки ўз профессионал маҳоратини ошириб бориши, хусусан, хориждаги ҳамкасблари билан мунтазам тажриба алмашиб туришини ҳам тақозо этади.

Аҳоли ва халқ хўжалиги объектларини табиий офатлардан муҳофаза қилишнинг самарали тизимини яратиш, табиий ва техноген тусдаги фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш ва оқибатларини бартараф этиш мақсадида бундан етти йил муқаддам Президентимиз Фармонига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлиги ташкил этилган эди.

Бугунги кунда вазирлик фуқаро муҳофазаси, авариялар, ҳалокатлар ва табиий офатлар туфайли вужудга келган фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш ва уларнинг оқибатларини бартараф этиш соҳасидаги ишларга раҳбарликни ҳамда уларни мувофиқлаштириб бориш ишларини амалга оширувчи марказий давлат бошқаруви органи ҳисобланади. Унинг таркибига тез ҳаракат қилиш кўп тармоқли республика маркази, тез ҳаракат қилиш махсус отрядлари, авария-қутқарув отрядлари, вилоятлардаги авария-қутқарув хизматлари ва сувда қутқариш давлат хизмати киради. Айни чоғда Тошкент шаҳрида ва саккиз вилоятда "050" қутқарув хизматлари ишлаб турибди.

Вазирлик матбуот хизматидан маълум қилишларича, ўтган даврда мамлакатимизда 2000 фавқулодда вазият, қарийб 900 техноген ҳолат ва салкам 800 табиий офат рўйхатга олинган бўлиб, вазирлик томонидан уларни бартараф этиш, аҳоли ҳаёти ва саломатлигини, моддий ва маънавий қадриятларни муҳофаза қилиш борасида жиддий ишлар амалга оширилган. Қутқарувчиларимиз хорижий мамлакатларда рўй берган табиий офатларни тугатишда иштирок этиш борасида ҳам муайян тажрибага эга.

Ҳозирги пайтда Миллий қутқарув хизмати жаҳон андазалари даражасида зарур техника ва асбоб-ускуналар билан жиҳозланган. Барча аҳоли истиқомат жойларида фуқаро муҳофазаси бўйича ўқув-маслаҳат пунктлари ташкил этилган. Тегишли мавзулар телевидение, радио ва матбуотда мунтазам ёритиб борилянпти.

Фавқулодда вазиятлар вазирлиги ўз ваколатига кирадиган масалалар бўйича халқаро ҳамкорликни ташкил этиш борасида ҳам кенг кўламли ишларни амалга ошираётир. Айниқса, НАТОнинг "Тинчлик йўлида ҳамкорлик" дастури доирасидаги алоқалар яхши самара бермоқда. 1999 йили Тошкентда йигирма давлат қутқарув хизмати вакиллари иштирокида ҳалокатларнинг олдини олишга бағишланган халқаро анжуман ўтказилган бўлса, 2000 йилда терроризмга қарши кураш бўйича семинар ташкил этилди.

Зикр этилган халқаро конференцияда эса табиий офатларнинг олдини олиш, содир бўлган ҳодисалар оқибатларини бартараф этиш ишларига бағишлаб шу йил 26-30 апрель кунлари Фарғона вилоятида ўтказилиши мўлжалланаётган "Фарғона-2003" ўқув машғулотларига тайёргарликнинг ташкилий жиҳатлари муҳокама этилди.

Халқаро миқёсда ўтадиган ушбу ўқув машғулотларида Арманистон, Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистон, АҚШ, Туркия, Эстония каби мамлакатлардан қутқарувчилар жамоалари иштирок этиши кутилмоқда. Тадбирда ҳозир бўладиган Беларус, Молдова, Россия, Руминия, Франция, Украина, Швеция ва Швейцария вакилларига кузатувчи мақоми берилади.

Тадбирни ўтказишдан мақсад — дунёнинг турли ҳудудларида содир бўлиб турадиган хилма-хил фавқулодда вазиятларнинг оқибатларини бартараф этишда қутқарувчиларни ўзаро ҳамкорликда ва ҳамжиҳатликда ҳаракат қилишга ўргатиш, уларнинг профессионал маҳоратини янада оширишдан иборат. Ўқув машғулотларининг юқори савияда ташкил этилишига ва бу, ўз навбатида, ўзбек миллий қутқарув хизмати юксак обрў-эътиборининг ўзига хос тасдиғи бўлишига ишончимиз комил.

Ғулом МИРЗО,
ЎзА шарҳловчиси.

Тежалгани — 16 миллион сўм

Бозор иқтисодиёти барча соҳада тежамкорлик билан иш юритишни, етти ўлчаб бир кесишни тақозо этаяпти. «Жондор пахта тозалаш заводи» ҳиссадорлик жамияти жамоаси ушбу талабга амал қилиб, кам бўлаётгани йўқ. Эътибор беринг: илгари экспортбоп маҳсулотни хорижий мамлакатларга жўнатиш учун кўп вақт ва маблағ талаб қилинар, яъни тойланган пахта толасини Когон, Қоракўл туманларидаги темир йўл бекатларига ташиб келтиришга тўғри келар эди. Эндиликда бунга ҳожат қолмади. Яккатут пахта тайёрлаш пунктигача темир йўл барпо этилгани толачиларнинг мушкулини осон қилмоқда. Ҳозирги кунда қайта ишланган маҳсулот тўғридан-тўғри шу ернинг ўзидан АҚШ, Германия, Италия, Бельгия каби давлатларга жўнатиляпти.

Транспорт харажатларидан тежаб қолинаётган 16 миллион сўм маблағ ишлаб чиқаришни кенгайтириш, жамоа аъзоларини рағбатлантириш учун йўналтирилмоқда. Натижада меҳнат унумдорлиги тобора ошиб бораяпти.

Энг муҳими, тайёр маҳсулот омборларда туриб қолмаяпти. Чунки унинг сифати, экспортбоплиги учун барча масъул. Ўтган йили тумандаги 386 та ширкат ва фермер хўжаликларидан 42 минг тоннадан зиёд қимматбаҳо саноат хомашёси қабул қилиб олинган эди. Айни кунларда уни қайта ишлаш қизғин паллага кирган. Ишчи-хизматчиларнинг унумли меҳнат қилиши учун зарур шарт-шароит муҳайё. Уларнинг ойлик маоши 45-50 минг сўмни ташкил этаяпти.

Н. ТОШЕВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

ДИЛДА ҚОЛГАН ВАСИЯТ

ижобат бўлди. Сангзор қишлоғида янги, замонавий мактаб барпо этилди

Кўп йиллар "Сангзор" фуқаролар йиғинини бошқарган Сайфулла Бозоровни "Ўсмат — Бахмал" йўли асосчиларидан бири, деб билишади. Савобли, хайрли ташаббусни каттакичик эътироф этади. Ахир, ўзингиз ўйланг, Туркистон тизма тоғлари орасида жойлашган хўжаликдан туман марказига 100 километр йўл юриб келиш қайда-ю, қирлар оша усталик билан олиб ўтилган текис йўлдан 25-30 километр йўл босиш қайда.

Отанинг қишлоқ мактабига эътибори, ўқитувчи-мураббийларга ҳурмати алоҳида эди. 60-йилларда мослаштирилган биноларга жойлашган, қишда совуқ, энг оддий шароитлари ҳам бўлмаган синфхоналарда дарс бераётган мураббийлар меҳнатини қадрларди. Тез-тез мактабда бўлиб, имкон қадар уларга ёрдам уюштирар, ўқувчилар кўнглини кўтарарди. «Қишлоғимизда, албатта, замонавий мактаб қурамиз», дерди... Бу борадаги режаларини оқсоқоллар, туман раҳбарлари билан ўртоқлашарди.

Ташаббус сўнмасин!

Афсуски, раисга ўзи ният қилган, қишлоқ ёшлари орзуси бўлган ўша замонавий билим даргоҳини кўриш насиб этмади: тоғда боғ, токзор яратиш ишқи билан қишлоқдошларини ҳашарга олиб борган кезлари далада иш бошида тўсатдан вафот этди... Кўнглидаги сўнгги сўзларини, васиятларини ҳеч кимга айтолмади.

Элга, юртга хизмат қилган инсоннинг армони қолмас экан. Дилкаш одамнинг қалбидаги эзгу ниятлари, орзу-ўйларини ҳамма билиб юраркан. У бошлаган боғроғлар тўкин ҳосилга кирди. Қишлоқ обод бўлди. Ҳурмати чексиз экан, қишлоқ мактабига унинг номини беришди. Туман халқ таълими бўлими ташаббуси билан 1999 йилда Сайфулла Бозоров номли 52-мактаб хўжалик ихтиёридаги каттароқ бинога кўчирилди. Аммо бу ҳали ота ният қилган, қишлоқ ёшларига ваъда берган билим даргоҳи эмасди.

Элга, юртга хизмат қилган инсоннинг орзуси у чин дунёга кеттандан кейин ҳам ушалавераркан.

— Мактаб биносини батамом қайта лойиҳалаштириб, тумандаги энг кўркам, замонавий билим масканига айлантирсак, деган фикримиз бор, — мурожаат қилишди ота авлодлари вилоят халқ таълими бошқармаси раҳбарларига. — Мана, лойиҳаларимиз билан танишинглар.

Ўтган йил кузида тақдим этилган лойиҳа маҳаллий ҳокимиятга ҳам, халқ таълими бошқармасидагиларга ҳам маъқул тушди. Отанинг укаси Умар иш юритувчи бўлди. Ўғли Ҳусан Самарқанддан мармарчи усталарни олиб келди. Барча қурилиш ашёлари, эшик-деразалар келтирилгач, ишни бошлашди.

Ҳозир Бахмалда бўлган кишини тоғлар орасида жойлашган мактаб биноси ром этиши шубҳасиз. Улкан фойели, кенг ёруғ синфхонали мактабни бу яқин атрофда кўрмайсиз. Чиройли безатилган, баланд заллари шаҳар мактабларининкидан ҳеч ким қолишмайди. Ўқувчилар учун алоҳида буфет, китоб-дафтар, газета-журнал билан савдо қиладиган дўкон ҳам бор. Дарвоқе, қишлоқда 8 тур маҳсулот сотадиган дўкон муаммоси ҳам бор эди. Тадбиркорлар мактабнинг ёнгинасида бир йўла ана шундай дўконни ишга туширадиган бўлишди.

Яна бир муҳим томони — отанинг авлодлари унинг номи қўйилган ушбу билим даргоҳини ҳар йили таъмирлаб беришга қарор қилдилар.

— Қишлоқдошларимизнинг ўзига хос ҳиммати, ташаббуси биз ўқитувчиларга ҳам катта масъулият юклади, — дейди илмий бўлим мудири Абдурасул Нурмонов. — Барча фан хоналарини қайта жиҳозлаяпмиз. Кўргазмали қуроллар билан тўлдиряпмиз. Туман халқ таълими бўлими мактабимизда бир неча тадбир, семинарлар уюштирмоқчи. Элга, юртга хизмат қилган инсоннинг ташаббускорлик хислатлари ҳам изсиз қолмас экан.

Вилоят халқ таълими бошқармасида эса бизга ташаббуснинг издошлари кўпаяётганини айтишди. Сангзорга қўшни Қорақишлоқда Хонимқул Бегматов, Бекмурод Бўтаев, Пўлат Нуримов, Саидқул Мустанов каби тадбиркорлар раҳбарлигида янги 67-мактаб биноси қуриб битказилаётганини кўрдик. Мактаб ёнида боғ ҳам яратилибди. Янги мактаб шарофати билан қишлоқдаги 66 хўжаликнинг 200 нафардан зиёд фарзанди Сангзор дарёсининг нариги қирғоғига қатнаб ўқиш ташвишидан қутулибди.

Баҳриддин САТТОРОВ,
"Халқ сўзи" мухбири.

Китоблар оламида

Муҳим қўлланма

Яқинда олий ўқув юртлари бакалаврлари «Информатика, информацион технологиялар» номли ўқув қўлланмасига эга бўлдилар. Уни муаллифлар гуруҳи яратишган.

Қўлланманинг аввалида «Информатика» фани ва унинг бугунги тараққиёт даражаси, ахборот ва маълумот ҳақида тушунча, уларнинг турлари, миқдорини ўлчаш усуллари, ахборотни тўплаш, сақлаш, узатиш ва қайта ишлашнинг умумий қонуниятлари ҳақида маълумотлар берилган. Компьютер ҳақида умумий тушунча, уларнинг таснифи, ишлаш принципи ва ташкил этувчилари, яратилиш тарихи ёритилган. Компьютерларнинг дастурий таъминоти ҳақидаги маълумотлар талабаларга ундан қандай фойдаланиш ҳақида тушунча беради. Айниқса, Нортон коммандер ва wigdows тизимларининг мультимедис имкониятлари, унинг қўлланиш соҳалари, ҳужжатларга мультимедис қисмларини жойлаштириш ҳақидаги тушунчалар қўлланмада кенг ёритилган. Шу номдаги ўқув қўлланмасининг иккинчи қисмида эса электрон жадваллар, компьютер графикаси, ахборот-қидирув тизимлари сингари боблар мавжуд бўлиб, уларда талабаларга кенг маълумотлар берилган.

О. АБДУАЗИМОВ.

Ҳосилга замин яратилмоқда

Андижон вилояти Хўжаобод туманидаги Масодиқ Мадиёров номли ширкат хўжалигида 536 гектар боғ ва 300 гектар токзор мавжуд. Боғбон ва соҳибкорлар эса жорий йилда бу майдонлардан 2600 тонна мева, 1560 тонна узум етиштиришмоқчи. Шу ниятда улар ҳозирги кунда мевали дарахтларга шакл бериш, уларни қишлоқ хўжалиги зараркунандалари ва касалликларига қарши дорилаш ҳамда парваришлаш юмушларини жадал олиб бормоқдалар. Чунки ана шу тадбирларнинг ўз вақтида, сифатли ўтказилиши мўл ҳосилга пухта замин яратади.

СУРАТЛАРДА: мевали дарахтлар дориланмоқда; бошқарув раиси, Олий Мажлис депутати Қобилжон Обидов ва боғбон Абдурашид Ўксинов.

Тоҳиржон ҲАМРОҚУЛОВ олган суратлар.

ТУНДА УЗИЛГАН ЎҚ

бутун бошли қишлоқни оёққа турғазди

Суд очерки

Тарбияли оилада фарзанд бирон соат бесабаб дарс қолдирса, мактабга бормаса, ота-она бу ҳолга бефарқ қарамайди. Дарров сабабини суриштиради. Лекин Тошкент туманида яшовчи Маҳамаджон Музаффаров ундоқ қилмади. Ўқимасанг ўқима, дея қўл силтади. Оқибатда болалари йиллаб мактабга бормай қўйди...

Бола мактабдан совигач, нима қилади? Аввало, у дайди-сангиб юришга мойиллик сезади. Бўлар-бўлмас ишга қўл уради. Енгил-елпи яшашни ихтиёр этади. Маъмур, Шукур Музаффаровлар ҳам шундай ўсишди, дейилса ишонаверинг. Инон ихтиёрлари ўзида бўлди. Ота-она назорат қилмади. Ҳалол меҳнатдан қочиб, осон пул топиш йўлини пеш билишди.

Баъзан электр ўчиб қолса, бу ҳолни тежамкорликка йўйиш одат тусига айланди. Ўтган йилнинг учинчи мартига ўтар кечаси М.Фозилов номидаги жамоа хўжалиги ҳудудида ҳам электр ўчди. Бу ҳолни-да тежамкорликка йўйдилар. Аслида ундоқ эмасди. Бу бойлик орттириш йўлида атайлаб қилинган уриниш эди.

Ҳуллас, ўша оқшом ака-ука Маъмур, Шукур ёмон ниятда эдилар:

— Узумзор оралаб ўтган электр ёғочларни икковимиз арралаймиз. Симларни эса пуллаймиз. Қарабсизки, бир зумда фалон пулли бойваччалармиз.

Таклифдан сўнг бор-йўғи тўртинчи синф маълумотига эга бўлган ўн тўрт ёшли Шукур акаси ортидан эргашди. Арра билан симёғочлар йиқитилди.

— Қаердан олдинглар бу матоҳни?

Боғ томондан алюмин симларини судраб келаётган ўғилларини худди билмагандай тўхтатди ота. Воқеани эшитгач, қўшиб қўйди:

—Ишқилиб ҳеч ким билмасин. Бекитиб қўйларинг. Харидор топиб, пуллаймиз.

Унча-мунча одам фарзанди ҳаром-ҳаришга қўл урганини билса тергайди. Уришиб, панду насиҳат қилади. Яхши йўлдан юришини сўрайди. Аммо М.Музаффаров ундоқ қилмади. Болалари ёмонлик қилса, қайтанга ёнини олди. Қўллаб-қувватлаб турди. Оқибатда...

Музаффаровлар қишлоғи Қозоғистон билан шундоққина чегарада, қўшни яшашади. "Зах ариқ" каналининг нариёғи Қозоғистон. Бу ҳол айрим набокорларга қўл келаётгани сир эмас. Айниқса, Музаффаровларга ўхшаганларга. Шундан-да улар ўша куни қишлоқдошларини зимистонга қолдириш эвазига бир километрдаги алюмин симни кесиб, унинг 90 килосини Шукур ва отаси 63000 сўмга қозоғистонликларга пуллаб юборишади. Ушбу ҳаракатлари билан ота-болалар туман электр тармоғига 843710 сўм моддий зиён етказишади.

Халқимизга хос бир урф бор. Бола учун отанинг гапи қонун. Минг афсуски, Музаффаровлар оиласида бундай ҳурмат, иззат-икром, отани улуғлаш, одамгарчилик йўқ эди. Отанинг ўғил олдида, аканинг сингил олдида оғзидан шоди кириб, боди чиқарди. Кун ора жанжал, барака кўтарилганди бу оилада. Ўзаро ҳурмат тушунчалари улардан йироқ эди. Айниқса, ўғилнинг ота билан гап талашиб, суришишлари, баъзида ёқалашиб қолишлари одат ҳолга айланганди. Ана шундай тўқнашувлардан бири ўғирлик содир этилган куннинг эртасидаёқ содир бўлади. Бунга отанинг ўғирланган мол-мулкни сотгани сабаб эди. Яъни, ота таъқибидан чарчаган Маъмур ёшлигига боради. Ўзича қасд олмоқчи бўлади. Отасининг сим ўғирлашга бош-қош бўлиб, ҳатто укасиниям жиноятга жалб этганлиги хабарини туман ички ишлар бўлимига етказади. Бундан дарғазаб бўлган ота фарзандига ташланади. Ёқалашаётган ота-болани зўрға ажратиб қўядилар:

— Ҳе, онангни... Сенми мени сотадиган?

Шу тобда бола жим турса олам гулистон эди. Афсуски, тарбиясиз ўғил ҳам отасидан қолишмайди. Оғзига тўғри келган гапни айтиб, ўшқиради. Ота бундан баттар тутоқиб, дарғазаб бўлади. Бақир-чақир алламаҳалгача давом этади. Шу-шу ота ва ўғил ўртасидаги совуқчилик баттар авж олади. Иккисиниям сиркаси сув кўтармайдиган бўлиб қолади. Айниқса, отанинг ўз боласини кўрарга кўзи, отарга ўқи йўқ эди.

Жаҳл чиққанда киши баъзан ўғил-қизини уришади. Унга танбеҳ беради. Бир пасдан кейин яна апоқ-чапоқ бўлиб кетилаверади. Оиланинг ўзига хос қонунияти бу. Бироқ ота ўз пуштикамаридан бўлган фарзандини хўрласа, зўғум ўтказса, ўғил отаси ёқасини йиртса, бу нима дегани? Бу оиладаги тарбиянинг пойдевори бўш, дегани. Ўғил отани одам ўрнида кўрмайди, дегани. Энг ачинарлиси рўзғордан файз-барака кўтарилган, дегани. Йўқса ҳеч маҳал отабола ёвлашиб қоладими?

Отанинг мияси заҳарланиб бўлганди. У ўғлим билан яхшилаб ҳисоблашишим керак, деган бемаъни фикрга боради. Шу алфозда эртаю кеч ўйлайди. Оталик меҳрини бир четга суриб қўйиб, гўё душманидан қасд олаётгандек қабиҳ режа тузади.

Ўтган йилнинг 16 апрели оқшоми Музаффаровлар хонадонида ноҳуш бир кайфият ҳукмрондек. Ҳамма оғзига талқон солгандек жим. Сукунатни Маъмурнинг овози бузади. У синглисига танбеҳ берарди.

— Овозингни ўчир, бола. Уларга ақл ўргатишга ҳали ёшлик қиласан.

Ҳали жаҳлидан тушмаган отанинг яна бошлаганидан уйдагиларнинг дили хуфтон бўлди. Дийдиёдан чарчаб, юрак олдириб қўйган она ҳамишагидек муросага чақиради. Эрини силаб-сийпаб тинчитган бўлади. Қани энди унга биров қулоқ тутса.

— Йўқол, уйдан чиқиб кет. Ҳе...

Отанинг сўкинишларидан чарчаган Маъмур кўрпа-тўшагини олиб, ошхонага кетади. Жаҳли чиққан ота яна алланималарни, деб вайсайди. Жавраб, жавраб ётоқхонасига киради...

Қишлоқ дод-фарёддан уйғониб кетди. Миш-мишлар қулоқдан қулоққа ўтди:

— Маҳамаджоннинг ўғли Маъмурни кимдир ўлдириб кетибди. Қотил ҳеч қандай из қолдирмабди...

Суриштирувлар бошланди. Тезкор-тергов гуруҳи ишга киришди. Милиция, прокуратуранинг моҳир ходимлари қотиллик жиноятини очишга жалб қилиндилар. Аниқлансаки...

М. Музаффаровга ўғлининг беписандлиги, ота ўрнида кўрмаслиги алам қилди. Айниқса, гап қайтаришларини ҳазм қилолмади. Оталик меҳри ўрнини жаҳолат эгаллади.

Тонг оқариб келмоқда эди. Атрофда қушларнинг сайроғи ҳукмрон. Баҳорнинг бу гўзаллиги ончамунча одамни сел қилиб ташлайди. Бироқ дийдаси қотган, тошбағир Музаффаров бу лаззатдан йироқ. У ҳеч нимани кўрмайди, эшитмайди ҳам. Фикри-зикрида ўз боласидан ўч, қасос олиш нияти. Ана, у жигаргўшаси ухлаб ётган ошхона томон келяпти. Оёқ учида илдамлайди. Қўлида қўшотар милтиқ. Шу ҳолатда ширин уйқуда ётган ўғли ёнига келди. Унда озгина меҳр бўлганида, ҳис бўлганидами. Қилаётган иши оқибатини тушуниб, чўчирди. Сўнг... Йўқ, ундай бўлмади. Жаҳолат, раҳмсизлик, золимлик уни муте этди. Ҳудодан қўрқмади, бандасидан уялмади. Не кўргуликки, ўғли бошини мўлжаллаб икки бора ўқ узди. Бечора ўғил уйғонмай жон берди...

Одамзоднинг шунчалар бераҳм, ваҳшийлигидан қишлоқ аҳли ёқа ушлади. Бу ёқда муштипар онанинг фарёди, сингиллар ноласига чидаб бўлмасди. Ҳали-ҳануз онаизор фарёд чекади. Бечора онага қийин бўлди. Бир ўлган боласига куйса, бир бадфеъл эрининг қонхўрлигига куяди. Кимни оқлаб, кимни қоралашни билмайди бечора...

СЎНГИ СЎЗ ЎРНИДА: Фожеали бу воқеа қалбларни ларзага солгани аниқ. Наҳотки, ота ўз фарзандини ўлдириш даражасигача борди? Нечун ўғлига нисбатан бунчалар кек сақлади? Нега, деган савол айланади мияда. Бунинг жавоби эса прокурорнинг айблов нутқида бор: Аввало, айтиш лозимки, бу оилада фарзанд тарбияси билан на ота, на она мутлоқ шуғулланмаган. Оилада отанинг кимлиги ва мавқеи ҳақида болаларда тушунча йўқ. Юқорида айтилганидек, болалар мактабга уч йиллаб бормай қўйган. Демакки, муаллимлардан ота-онани ҳурмат қилиш, эъзозлаш борасида сабоқ олишдан бебаҳра қолишган. Болаларнинг бекорчиликдан сандироқлаб юришига на мактаб жамоаси, на маҳалла аҳли қизиқмаган... Отанинг савияси ҳам ҳаминқадар. У бола тарбиясига, парваришига кечикканлигини тушуниб етади. Ақлсиз бола олдида ожиз қолганини билади. Сўнг ўзи ҳам ақлсизларча иш тутади. Оқибатда эса қўлини ўз ўғли қонига булғайди. Бу, унингча, вазиятдан чиқиш чораси эди. Афсус...

Жиноят ишлари бўйича Тошкент вилояти суди судлов ҳайъати судья Л. Мусашайхов раислигида ушбу қотиллик жиноятига тегишли баҳо берди. Қотил ота узоқ муддатли жазога ҳукм қилинди. Туман электр тармоғига етказилган 843710 сўмлик зарар судланувчидан ундириладиган бўлди.

Шовдонбек АЛАЕВ,
Тошкент вилояти прокурори ўринбосари, адлия катта маслаҳатчиси.

Курбон ЭШМАТОВ,
"Халқ сўзи" мухбири.

Шукрона

Омон бўлинг, яхшилар!

Асқар ҲУСАНОВ, Тошкент шаҳри, Қорасув мавзеси 14-уйда яшовчи нафақахўр:

— Инсон пешонасига ёзилганидан қочиб қутулиши қийин. Қизим Розахон 1993 йили тўсатдан оғир хасталикка чалиниб, 34 ёшида оламдан ўтди. Фарзанд доғи ёмон бўлар экан, кўзимга бутун дунё қоронғи бўлиб, ўзимни қўярга жой тополмай қолдим.

Кўпчиликка қуллуқ, элга раҳмат! Ана шундай оғир дамларимда ёнатрофимдагилар мени ёлғизлатиб қўйишмади. Айниқса, қизимнинг ишхонасидагилар — республика марказий инкассацияси ва унинг Тошкент шаҳар бирлашмаси дирекцияси, касаба уюшмаси ходимлари, ишчи-хизматчилари тез-тез уйимизга келиб аҳволимиздан хабар олиб туришди. Марҳума фарзандимизнинг яхши фазилатларини эслаб кўнглимизни кўтаришди, таскин-тасалли беришди.

Мана, ўша машъум воқеага ҳам ўн йилдан ошди. Лекин ҳамкасблари қизимни эсларидан чиқаришгани йўқ. Хотира ва қадрлаш кунида, байрам онларида ҳалиҳамон бизни йўқлашади. Эзгу ниятда остонамиздан ҳатлашади...

Мен юртимизда шундай меҳр-оқибатли, бир-бирига ғамхўр кишилар борлигидан фахрланаман. Уларнинг ардоғида яшаётганим учун Яратганга шукроналар айтаман.

Жорий йилнинг дастлабки икки ойи мобайнида таҳририятимизга 612 та хат-хабар келди. Шундан 388 тасини фуқароларнинг шикоят-аризалари, 123 тасини давлат ва жамоат ташкилотларидан жўнатилган расмий жавоблар, қолганларини ранг-баранг мавзуларда битилган мақолалар, шеърлар ва ҳикоялар ташкил этди. Публицистик ва бадиий асарларнинг энг саралари газетамиз саҳифаларида чоп этилди. Шикоят хатларининг аксарияти текшириш ва зарур чора-тадбирлар белгилаш учун тегишли ташкилотларга юборилиб, қатъий назоратга олинди, муайян қисми журналист суриштируви ўтказиш учун мухбирларимизга топширилди.

Қуйида сўнгги ҳафтада келган хатлардан айримларини эътиборингизга ҳавола қилаётирмиз. Марҳамат, ўқинг!

Газетхон илҳоми

МАҲАЛЛАМ

Киндигимнинг қони тўкилган маскан,
Илк йиғи, кулгумни эшитган маскан,
Буюк Ватан ичра муқаддас Ватан,
Буюгим, суюгим сенсан, маҳаллам.

Биринчи қадамим сен кўтаргансан,
Қувноқ қаҳқаҳамга гувоҳ бўлгансан,
Йиқилиб, қоқилсам суяб қолгансан,
Суянчим-таянчим бўлган, маҳаллам.

Ҳар қарич ерингда оёқ изим бор,
Ҳар бир гиёҳингда нигоҳ — кўзим бор,
Фарзандингман ахир, айтар сўзим бор:
«Аҳиллик кетмасин сендан, маҳаллам!»

Гуноҳ-савобимга огоҳ бўлгансан,
Бошимга иш тушса, паноҳ бўлгансан,
Адашган чоғимда сабоқ бўлгансан,
Йўлимда бир маёқ бўлган маҳаллам.

Отасизга ота бўлганлигинг рост,
Онасизга она бўлганлигинг рост,
Етимларнинг кўнгли тўлганлиги рост,
Барчага бир бешик бўлган маҳаллам.

Барчанинг бошини қовуштирган сен,
Савобли ишларга уюштирган сен,
Адолат йўлида ҳақ деб турган сен,
Иш бошим, йўл бошим сенсан, маҳаллам.

Каримжон МАВЛОНОВ.
Бекобод тумани.

ГАЗЕТА ВА ГАЗЕТХОН

Таъзим

Аминбой АМИНОВ (Хоразм):

— Мен асли хиваликман. 1951 йили шу шаҳарда туғилганман. Бироқ эсимни танир-танимас, Ўзбекистондан чиқиб кетдим. Хато йўлларга кириб, олти марта судландим. Умримнинг нақд ўттиз баҳори-ю, ўттиз қишини қамоқхоналарда ўтказдим. Жазо муддатини Россия, Украина ва Қозоғистон ўлкаларида ўтадим.

ҚАДР КЎРСАТМАЙ, ҚАДР ТОПДИМ

Ўттиз икки йилдан сўнг киндик қоним тўкилган юртимга қайтиб келсам, отонам ҳаётдан кўз юмишган, ака-укаларим мендан юз ўгириб кетишган экан. Бу мен учун энг олий жазо бўлди. Қаерга бораримни биролмай бошим қотди. Хайриятки, бахтимга саховатпеша инсонлар бор экан, елкамдан итаришмади. Туман ҳокимлигидагиларнинг ва ички ишлар бўлимидагиларнинг кўмаклари туфайли уйли-жойли бўлдим. Ногиронлигим бўйича нафақа ола бошладим. Айниқса, ўзим жойлашган туман "Мурувват уйи" директори Олимжон Иброҳимов ва унинг ҳамкасблари Отаназар Ибодуллаев, Бозорбой Жабборовлардан кўп ҳиммат кўрдим.

Қисқаси, мен ўз ҳамюртларим корига ярамасам-да, уларга меҳр-оқибат кўрсатмасам-да, қадр-қиммат топдим. Бунинг учун барча яхши инсонлар олдида бош эгиб, халқимга таъзим қиламан.

Попдаги 50-ихтисослаштирилган мактаб-интернатда 425 нафар ўқувчи тиббиёт, доришунослик ва иқтисодиёт йўналишлари бўйича таҳсил олмоқда. Ўтган йили ушбу илм даргоҳини битирган 50 нафар йигит-қиздан 45 нафари олий ўқув юртларига ўқишга кирди. Бундан ташқари, мактаб-интернат 2002 йил ўқув йили натижалари бўйича ўтказилган республика танловида ғолиб чиқиб, фахрли иккинчи ўринни эгаллади.

СУРАТДА: *мактаб-интернат раҳбари Ситора Имомназарова талабалар даврасида.*

Абдумутал МАТКАРИМОВ олган сурат.

Ажабо!

ХАЛҚ СУДИ ГАЗЕТАСИ БОРМИ?

Қўқон шаҳридаги 1-сонли адвокатлар ҳуқуқий маслаҳатхонаси аъзоси А.Ғаниев ўзи шуғулланаётган фуқаролик иши юзасидан таҳририятимизга мурожаат қилиб, айрим масалаларга ойдинлик киритишда ёрдам беришимизни сўраганди. Биз унинг аризасини атрофлича ўрганиш ва қонуний чора-тадбирлар белгилаш учун республика Олий судига жўнатгандик. Шу муносабат билан ўтган ҳафта Олий суднинг фуқаролик ишлари бўйича судлов ҳайъати раиси А.Бобоқуловдан жавоб хати олдик. Унда айтилишича, А.Ғаниевнинг аризаси назорат тартибида кўриб чиқиш учун фуқаролик ишлари бўйича Фарғона вилояти судига юборилган. Натижаси ҳақида аризачига ва газетага маълум қилиниши сўралган.

Демак, таҳририят мурожаати эътиборсиз қолдирилмаган. Бу — жуда яхши, Бироқ бизни бошқа бир нарса жиддий ҳайратга солди. Уям бўлса, жавобда газетамиз номи негадир Халқ суди деб кўрсатилибди. Республикамиз герби акси туширилган, Олий суд номи қайд этилган иш қоғозига компьютерда "Халқ суди муҳарририга" деб аниқ ёзиб қўйилибди.

Албатта, тушунамиз, бу атай қилинмаган, бильъакс, беихтиёр йўл қўйилган хато. Агар ушбу нуфузли идоранинг масъул ходимлари-ю, жавоб матнига имзо чеккан судлов ҳайъатининг раиси уни андак синчковлик билан ўқиганларида бундай кулгили аҳволга тушиб қолмасдилар.

Абдунаби ҲАЙДАРОВ, "Халқ сўзи" мухбири.

Эътибор

Таҳририятга хат

Менинг ўғлим Тўлқинжон 2001 йил кузида ҳарбий хизматга чақирилди. Орадан уч ой ўтар-ўтмас, нохуш хабар олдик. Сўраб-суриштириб билсак, у алоқа машинаси ичида фойдаланиш муддати ўтиб кетган эски аккумуляторни зарядлаётган пайти рўй берган бахтсиз ҳодиса туфайли қўллари куйиб, чап кўзи жароҳатланган экан. Бир неча бор жарроҳлик муолажаси ўтказилса-да, соғлиғи тўлиқ ўнгланмади. Шунга кўра, 2002 йил кўкламида ногирон сифатида ҳарбий хизматдан озод этилди...

Эндиликда унинг қўлларини қайтадан операция қилишга тўғри келаяпти. Бизда эса бунинг учун етарли маблағ йўқ. Отасининг топгани рўзғоримиздан ортмайди. Аксига олгандай, Тўлқинжон ҳам ўзига мос иш тополмаяпти. Мудофаа вазирлигидагилар унинг муаммоларини ҳал этишда ёрдам беришмаяпти. Боламнинг келгуси тақдирини ўйласам, ич-ичимдан эзиламан. Гоҳ-гоҳо «Ўғлим тўрт мучаси соғлиғида Ватан ҳимоясига яраган эди, энди ҳеч кимга керак бўлмай қолдими?» деган ҳазин хаёлларга ботаман.

Тағинам билмадим, эҳтимол мен янглишаётгандирман... Энди охирги умидим сизлардан...

Ҳурмат билан,
Учкўприк туманидаги Шўх қишлоғида яшовчи Замира ҚЎЧҚОРОВА.



Расмий жавоб

Замира Қўчқоровонинг «Халқ сўзи»га йўллаган мактуби бўйича Мудофаа вазирлигининг мутасадди ходимлари томонидан текшириш ўтказилди. Шу жараёнда Тўлқинжон Қўчқоров, ҳақиқатан ҳам, ҳарбий хизмат пайтида жароҳат олиб ногирон бўлиб қолгани, ушбу ҳодисада айбдор шахсларга нисбатан, Мудофаа вазирининг буйруғига биноан, ўз вақтида жазо чоралари кўрилгани аниқланди.

Бундан ташқари, Фарғона ҳарбий госпитали бошлиғига Тўлқинжон Қўчқоровни чуқур тиббий кўрикдан ўтказиб, унга қандай жарроҳлик муолажаси қўллаш ҳақида хулоса чиқариш юзасидан кўрсатма берилди. Ушбу хулосадан сўнг вазирликнинг тиббиёт бошқармаси жарроҳлик операцияси ўтказиш тўғрисида қарор қабул қилади.

Айни чоғда, Фарғона вилояти Мудофаа ишлари бўйича бошқармаси бошлиғига ариза муаллифининг оилавий ва турмуш шароитларини ўрганиб чиқиб, Тўлқинжон Қўчқоровни иш билан таъминлашга ёрдам кўрсатиш хусусида кўрсатма юборилди.

Замирахон Қўчқоровага юқоридагилар маълум қилинган ҳолда ёзма жавоб қайтарилди.

М.АҲМЕДОВ,
Мудофаа вазирининг тарбиявий ишлар бўйича ўринбосари, полковник.

Мулоҳаза

Оларда — лочин, берарда — қамчин

Жамшид ТОҒАЕВ (Чилонзор тумани):

— Кейинги йилларда Тошкент шаҳар телефон тармоғи ходимлари ғалати ҳунар чиқаришган. Хизмат ҳақи учун тўловни салгина кечиктирсангиз, телефонингизни дарҳол узиб қўйишади. Лекин сиз бирор носозлик ҳақида мурожаат қилсангиз, уни бартараф этишни ҳафталаб-ойлаб орқага суришади. Масалан, шу йил январь ойи ниҳоясида менинг 173-99-43 рақамли телефоним ўзўзидан ишламай қолди. Бу ҳақда АТС созловчиларига беш-олти марта хабар бердим. Улар қайдадир сим узилганини айтишди. Аммо тузатишни роса пайсалга солишди. «Эрта борамиз, индин борамиз», деб, мени салкам бир ой алдашди.

Хўш, нега шунақа? Нега ҳамиша хизмат кўрсатувчининг айтгани-айтган бўлади-ю, мижознинг гапи осонликча инобатга ўтмайди?

Мен ана шу саволларимга жавоб тополмай ҳайронман.

Тавсиянома бўлиши шартми?

Менинг ўғлим йигитлик бурчини чегара қўшинлари сафида ўтади. Хизматдан қайтгач, ўтган йили Самарқанд қишлоқ хўжалиги институтига ўқишга кириш учун ҳужжат топширди. Тест синовида жами 46,50 балл тўплади. Ҳарбий хизматда бўлганларга бериладиган имтиёзни назарда тутсак, бу кўрсаткич 70 баллдан ошиб кетаркан. Лекин ўқишга энг камида 57 балл тўплаганлар қабул қилинди-ю, ўғлим киролмади. Хизмат қилган қисмидан тавсиянома олиб келмаган, деб унга ҳеч қандай енгиллик беришмади. Шу тўғрими?

Раззоқ АБЖАЛИЛОВ.
Каттақўрғон тумани.

Савол ва шарх

Вазирлик жавоби:

Ҳа, шарт!

Раззоқ Абжалиловнинг саволи муносабати билан қуйидагиларни маълум қиламиз:

Ўзбекистон Республикаси Мудофаа ҳамда Олий ва ўрта махсус таълим вазирликларининг 2002 йил 30 апрелдаги 249/130-сонли буйруқлари билан тасдиқланган йўриқномага асосан, ҳарбий хизматдан бўшатилган ва муддатли ҳарбий хизматни ўтаган фуқароларга республика олий ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълим муассасаларига имтиёзли равишда қабул қилинишлари учун тавсиянома бериш жорий қилинган.

Таълим муассасаларига қабул қилиш бўйича Давлат комиссияси томонидан 2002 йил 14 июнда тасдиқланган «Ўзбекистон Республикаси олий таълим муассасаларининг бакалавриатига талабаларни қабул қилиш тартиби ва қоидалари тўғрисида»ги Низомнинг 20-бандида, Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 30 октябрдаги 469-сонли «Муддатли хизмат ҳарбий хизматчиларига ва уларнинг оила аъзоларига қўшимча имтиёзлар тўғрисида»ги қарорига кўра, муддатли ҳарбий хизматни ўтаган ва **ҳарбий қисмлар тавсияномасига эга бўлган абитуриентларгагина** олий таълим муассасаларига қабул қилишда, тест синовларида улар тўплаган балларга энг кўп тўпланиши мумкин бўлган баллар миқдорининг 10 фоизини қўшиш имтиёзи берилиши белгилаб қўйилган.

Р.ҚОСИМОВ,
Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирининг биринчи ўринбосари.

Таклиф

Излаган имкон топади

Жўра ҒОЙИБОВ (Таллимаржон шаҳри, 2-микротуман):

— Биласиз, таллимаржонликлар чўлқувар халқ. Қашқа воҳасидаги 9 та туманни сув билан таъминлаб келадилар. Афсуски, шундай хайрли ишни амалга ошираётган ҳамшаҳарларимиз бир йилдан буён битта муаммони ҳал этолмай бошлари қотган.

Гап шундаки, биз Қаршига катта канал қирғоқлари бўйлаб, ўйдим-чуқур йўлдан ГРЭС орқали минг бир азобда бориб келаяпмиз.

Ҳолбуки, шу яқин атрофдаги 7-насос станциясидан республикамизнинг катта божхона постигача бўлган масофада узунлиги икки километрлик йўл қурилиб, айланма канал устига кўприк солинса, барча мушкулотларимиз ортга чекинади. Йўл азоби — гўр азоби бўлмайди.

Илтижо

Нафақа ўрнига лоторея

Салоҳиддин ФАХРИДДИНОВ (Чироқчи тумани, «Соҳибкор» ширкат хўжалиги):

— Мен иккинчи гуруҳ ногиронман. Вояга етмаган уч фарзанднинг отасиман. Шунга қарамай, уч ойдан буён на ўзимга белгиланган, на болаларимга ажратилган нафақа пулларини ололдим. Алҳол, ниҳоятда қийналиб қолдим. Устига устак, Халқ банкининг хўжалигимизда жойлашган шохобчаси кассири жуда ўзбошимча ва таъмагир. У нафақа пулларини тарқатиш жараёнида ҳар бир одамдан 200 сўмдан уриб қолади. Буям етмагандек, «Керакмас», десангиз-да, 300 сўмлик турли хил лотереяларни зўрлаб тиқиштиради.

Шубҳасиз, мен изтиробга тушган кезларим китоб ўқиб, ўзимни бир оз овутмоқчи бўламан. Бироқ орзуимга эришолмайман. Негаки, электр ўчиб қолади. У қишлоғимизга кунига бор-йўғи 2 соатгина, шунда ҳам одамлар сув олишга улгуришлари учун берилади. Нафақалар тарқатилаётганда кассирнинг ёнига ўтириб оладиган туман электр тармоғи назоратчиси эса ҳеч қандай ҳужжат тўлдирмаган ҳолда ҳар бир хонадон бошлиғидан 2000 сўмдан электр ҳақи тўлашни талаб қилади.

Жар ёқасидаги уйлар

Ш.МУРОДОВ, С.ШОЙИМОВ, Б.ЭГАМОВ, К.САИДОВ ва бошқалар (Хатирчи туманидаги «Олтинсой» ширкат хўжалигидан. Жами 35 имзо):

— Қишлоғимиз тоғли минтақада жойлашган. Шундоққина ёнимиздан катта сой оқиб ўтади. Ҳар кўклам у ўзанидан тошиб, кўплаб вайронагарчилик келтиради. Ариқларимизни ювиб кетиб, деҳқончилигимизга жиддий путур етказади.

Ўлганнинг устига тепгандай, бу хавфнинг янада кучайишига йигирма йилча муқаддам шу ерда қурилган асфальт заводи ҳам катта «ҳисса» қўшмоқда. У маҳсулот ишлаб чиқариши учун зарур қумни сойдан олаётганлиги туфайли сув ўзани тобора кенгайиб ва чуқурлашиб бормоқда.

Хавотир

Биз ушбу муаммо юзасидан вилоят ҳокимлигига, Фавқулодда вазиятлар вазирлигининг туман бўлими бошлиғига кўп бор мурожаат қилдик. Улар раъйимизни қайтаришмади. «Юқори идораларга ёзмай турингглар, ҳаммасини ўзимиз ҳал этамиз» деб қуюққина ваъда беришди. Лекин негадир ҳалига қадар сўзлари устидан чиқишмади.

Шам ёруғида битилган мактуб

Ҳасратимиз бисёр, аҳволимиз ночор

Роҳила ТУРДИЕВА, Вобкент тумани, «Пахтакор» кўчасидаги 61-уй бекаси.

— Ҳурматли таҳририят! Бу мактубимни шам ёруғида айтиб туриб, набирам Азизахонга ёздираяпман. Чунки мен каби қарияларнинг ҳам, набирам қатори нораасидаларнинг ҳам дардлари битта: тумасимизда бир неча кунлаб ичимлик суви бўлмаслиги, газ ва чироқнинг дам-бадам ўчиши одат тусига кириб қолган. Шундами, совуқ тушди дегунча юрагимиз зириллайди. Ўтин, кўмир жамғариб қўйишлик десак, осонликча тополмаймиз.

Ниҳоят, сизларга хат йўллашга жазм қилдик. Зора шундан сўнг вобкентлик раҳбарлар бу муаммони ечишга жиддий эътибор беришса.

Фикр

Яна бир бор намойиш этилса...

Кейинги йилларда "Ўзбектелефильм" ижодкорлари томонидан бир қатор янги бадиий, ҳужжатли фильмлар яратилаётанлиги биз телетомошабинларни жуда хушнуд этмоқда. Шулардан бири "Боғ" видеофильми.

Мазкур фильмда юртимиздаги боғ-роғларни сақлаб қолиш, унинг янада гуллаб-яшнаши учун бутун умрини бахшида этаётган инсонлар тақдири таъсирчан кўрсатиб берилган. Ватанга меҳр унинг табиати, аждодлардан мерос қолган обидалар, боғлардан бошланади. Биз ўз ҳаётимиз аксини ана шу фильмда кўрдик. Шу маънода "Боғ" видеофильми кўклам нафаси уфураётан бугунги кунда такроран намойиш этилса, айни муддао бўларди.

А. АБДУЛЛАЕВ, К. ТОШБОЕВ.
Сайхунобод тумани.

Фотоайбнома

Мўйноқ туманидаги «Орол» ширкат хўжалигининг марказий таъмирлаш устахонасига йўлингиз тушса, таъбингиз тирриқ бўлиши табиий. Чунки бу ерда на тартиб бор ва на сариштталик. Техника қисмлари шундай сочилганки, ҳатто айримлари дарахт устига ҳам «чиқиб» кетган.

Хўш, нега шундай?

Бу саволга мутасаддилар қандай жавоб қайтараркинлар?

Омонбой МУРОТОВ (ЎзА) олган сурат.

Жумбоқ

«Хўп бўлади»ни еб бўладими?

Ҳилола АБДУРАҲМОНОВА, Бахтигул ХУРРАМОВА, Абди МИРЗАЕВ, Нурқобил ЧОРИЕВ (Қумқўрғон туманидаги М.Қорабоев номли маҳалла аҳли номидан. Жами 28 имзо):

— Биз газ, сув, телефон ва электр энергияси ҳақини ҳар доим ўз вақтида тўлаб келаяпмиз. Туман газ таъминоти идораси эса шартномада белгиланган мажбуриятларини тўла-тўкис бажармаяпти. Оқибатда «зангори олов» қувурларидаги газ босими совуқ кучайгани сайин тобора пасайиб кетаяпти. Баъзан умуман тўхтаб қолаяпти. Шу боис уйларимизни иситишда, таом тайёрлашда беҳад қийналаяпмиз. Бундан туман ҳокими Н.Чориев ҳам, газлаштириш идораси бошлиғи К.Холмуродов ҳам жуда яхши хабардор. Шундай эса-да, амалий ёрдам кўрсатиш ўрнига «хўп бўлади — хўп бўлади»дан нарига ўтишмаяпти.

«Хўп бўлади»ни эса еб бўлмайди.

Мактубларни Абдунаби ҲАЙДАРОВ саралади.

Навоий кунда керак

1990 йил. Алишер Навоийнинг 550 йиллигини нишонлаш арафасида республиканинг барча вилоятларида тадбирлар ўтказилмоқда. Самарқанд вилоятидаги шундай тадбирларда мен ҳам қатнашган эдим. Мўлжалга биноан Самарқанд университетининг профессори Нуриддин Шукуров (қабри унинг нурларга тўлсин!), ва мен бир туман марказидаги Навоийхонликда иштирок этмоғимиз керак. У ерда машҳур хонандалардан бири ўз ҳамкасблари билан бизга қўшилади. Биз Навоий тўғрисида сўзлаймиз, ижодий гуруҳ, — санъаткорлар эса концерт берадилар.

СЕВГИ НАВОЛАРИ

Белгиланган фурсатда биз туман марказига етиб келдик. Раҳбарият ходимаси бизни яхши кутиб олди. Аммо унинг кайфияти нохушроқ. Маълум бўлдики, машҳур хонанда ва унинг ижодий гуруҳи умуман келишмаган.

— Кўп одам йиғилган, — деди ходима, — ҳамма машҳур хонандани кутмоқда. Лекин улар йўқ. Энди ўзларингиз қизиқроқ-қилиб тадбирни ўтказиб берасизлар-да.

Бу кишининг хомушлигини биз тушундик. Дарҳақиқат, ёш ва шуҳратли санъаткорлар ўрнига иккита кекса илмий ходим келишган. Улар гапни чўзиб залдагиларни ухлатиб қўйишмасмикин... Биз унга қизиқчилар эмаслигимизни, улуғ шоир ва мутафаккир Алишер Навоий тўғрисида билганларимизни айтиб беражагимизни тушунтирган бўлдик. Шу кайфиятда ҳаммамиз залга кирдик. Одам лиқ тўла. Суҳбатни бошқарувчи профессор Нуриддин Шукуров ўз қўлига олди. Бутун ҳаёти университет аудиторияларида ёшларга таълим бериш билан ўтаётган олим ва шоир тингловчилар билан муомала қилмоққа моҳир эди.

Залда ҳам кўпчилик ўқитувчилар, маданият ходимлари жам бўлганлар.

Нуриддин Шукурович суҳбатга йиғилганларга меҳмонларни таништирди. Сўнгра Навоий ижодий мероси, унинг оламшумул аҳамияти тўғрисида ёрқин ва жўшқин ҳикоя қила кетди. Ҳамманинг диққати нотиқда. Залда пашша учса сезилгудек. Одамлар профессорнинг сўзларини жон қулоғи билан тингламоқдалар. Унинг эҳтиросли нутқи кўп чўзилмади. Аммо узоқ ва кучли қарсаклар олимнинг тингловчилар қалбига етиб борган сўзларининг таъсиридан дарак берар эди.

Шундан сўнг менга сўз берилди. "Мулла билганини ўқийди" қабилида мен Навоий асарларининг қўлёзма нусхалари тўғрисида сўз бошладим. Ўзбек халқининг буюк маданий ёдгорликлари бўлмиш Навоий асарлари бизгача тўласича етиб келган. Уларнинг энг нодир нусхалари ҳозир Тошкентда Ўзбекистон Фанлар академиясининг Беруний номли Шарқшунослик институтида сақланмоқда. Бу қўлёзма китобларнинг айримлари XV асрда Навоий барҳаёт пайтда кўчириб ёзилган. Уларни Ҳирот шаҳридаги энг хушхат машҳур хаттотлар Абдужамил котиб, Султонали Машҳадийлар кўчириб ёзишган. Бу қўлёзмаларга Навоийнинг нигоҳи тушган. Уларга "Хамса" (инв N 5018), "Наводир ун ниҳойа" (инв N 11675), (инв N 1995); "Хазойин ул маоний" (инв N 677) киради. Навоийнинг биринчи ўзи тузган девони (шеърлар тўплами) "Бадое ул бидойа" ҳам шулар жумласидандир. Уни Али Нур деган котиб 1486 йили Ҳиротда кўчириб ёзган. (инв N 216. Собиқ қўлёзмалар институти фонди).

Навоий асарларининг 20 жилддан иборат мукаммал нашри асосан ана шу қимматли қўлёзма манбалардан фойдаланилган ҳолда амалга оширилади. Ўзбек халқининг бу бебаҳо бойликларини асрлар суронида авайлаб-асраб бизгача етказган муҳтарам аждодларимизнинг мўътабар хотираси олдида чуқур таъзим қилиб бош эгамиз. Эндиги вазифа бу асарларни ҳар томонлама ўрганиш, улардаги буюк ғоя ва фикрларни ўзлаштириш ҳамда халққа кенг тарғиб этмоқдан иборат.

Шундан сўнг мен яна Навоийнинг "Хамса" достонлари, уларнинг ғоявий ва бадиий хусусиятлари тўғрисида ҳам қисқача сўзладим.

Шундан кейин залда ўлтирганлардан ёзма ва оғзаки саволлар ёмғирдай ёғила бошлади.

Албатта доимий савол ҳам тушмай қолмади:

"Нега Навоий оила қурмаган?"

Бу саволга жавоб Навоийнинг "Фарҳод ва Ширин" достонига ёзган муқаддимасида бор. Навоийнинг кўнгли тушган маҳбубада жавобий муҳаббат бўлмаган:

Мени мен истаган ўз суҳбатига аржуманд этмас
Мени истар кишининг суҳбатин кўнглим писанд этмас.

Шоир кўп изтироблар чеккан. Шундан сўнг устоз Жомийнинг маслаҳати билан ўзи орзу қилган вафоли маҳбубанинг бадиий образини яратди. Бу "Фарҳод ва Ширин" достонининг қаҳрамони Ширидир.

Барибир, Навоий ўз муҳаббатига бир умр содиқ бўлиб қолди. 1499 йили ёзилган "Лисон ут тайр» ("Қуш тили") достонида ўз муҳаббатининг кучи тўғрисида сўзлайди. Бу ҳақда бир достон ёзмоқчи эканини хабар қилади:

Бир неча кун даҳрдин топсам омон
Дарди ишқим шарҳ этай бир достон.
Анда билгай кимдаким, инсофдир
Сўзларим чанмудурур ё лофдур.

Аммо шоир ўз ниятига етмади. У бир йилдан сўнг дунёдан ўтди. Ўз севгисига шунчалар садоқатли бўлган зот бошқа киши билан, албатта, оила қурмас эди.

Саволга жавоб бериш асносида бу оғир хулосани сал енгиллаштириш мақсадида мен яна бундай якун қилдим:

Гарчи биз ўша бевафо, шўхи бепарводан шоирнинг шунчалар оташин муҳаббатини қадрлай олмагани учун озурда бўлсак ҳам, "Фарҳод ва Ширин" каби ўзбек мумтоз шеъриятининг шоҳ асари яратилмоғига алоқадор экани учун ундан миннатдормиз.

Залга бир оз муҳлат тинчлик чўкди.

Шундан сўнг бирдан ўрта ёшли, қизғин табиатли бир татар муаллим ўлтирган жойидан шартта турдию, дадил қадамлар билан залнинг марказига чиқди ва баланд овоз билан деди:

— Йўқ, йўқ мен қўшилмайман. Бу тўғри эмас!

— Нимага қўшилмайсиз, нимаси тўғри эмас?

— Навоий барибир оила қурмоғи керак эди. Ўшанда у фарзандлар кўрган бўлур эди. Эҳтимол, шунда биз яна бир Навоийга эга бўлган бўлар эдик!

Залда шов-шув бўлиб кетди. Баъзилар қарсак ҳам чалдилар. Бу кишининг гапларидаги самимият ва жўшқинлик ҳеч кимни бефарқ қолдирмаган эди.

Савол-жавоблар давом этди. Баъзи масалалар бўйича турли фикрлар айтилди. Хуллас, бу учрашув ҳаммамиз учун фойдали бир суҳбат сифатида хотирда қолди.

* * *

Навоий севги куйчиси. Севгини ғўзаллик келтириб чиқаради. Ғўзаллик манбаи эса ҳаёт.

Хушдурур боғи коинот гули
Барчадин яхшироқ ҳаёт гули.

Навоий ўзининг "Муножот" асарида Яратувчини улуғлаб, унинг ҳамду саносини қилганидан сўнг инсон ғўзаллиги, аёл латофати тўғрисида сўзлайди: "Илоҳий, гул узориға дилафрўзлик ҳам сен бердинг ва булбул фиғону зориға жигарсўзлик ҳам сен бердинг. Агар қайси шамъи гулрух ишқи ўтинким, кўнглимға солдинг, парвона ва булбулдек сабру қароримни олдинг..."

Демак, ғўзаллик, уни назокат билан ҳис этувчи қалбнинг туғёнлари. Бу бир илоҳий қисматдирки, ундан узилмоқнинг иложи йўқ. Бас, шундай экан, севги дарди ва изтироблари севгучи кўнгил учун тақдир томонидан белгиланган ҳол сифатида қабул қилинмоғи керак.

Шунинг учун ҳам Навоий "Муножот"да Илоҳга қарата дейди: "Аларнинг дилраболиғи ҳали сендин ва ошуфта кўнглимнинг мубталолиғи ҳам сендин. Илоҳий, шамъи ҳусни безанмоғи ҳам сендин ва парвона жони ўртанмоғи ҳам сендин".

Севгини шундай улуғловчи шоирнинг лирик қаҳрамони бу йўлдаги барча мушкулотга чидамли: садоқат, сабр, матонатда ибратли, ўз маҳбубасига меҳру вафоси билан мамнун олижаноб бир зот. У инсон маънавий баркамоллигининг тимсоли. Чунки севгига қобил юрак эзгулик ва инсонийликни ўзида мужассам этади. Севги устун бўлган жойда ёвузликнинг томири қурийди. Инсонда, оилада, жамиятда ёвузликни енга оладиган куч севгидир. Муҳаббат қаҳрамони Фарҳоднинг вужудида севги танасига руҳ ўрнашмасданоқ жой олган эди:

Деди, қай чоғдин
ўлдинг ишқ аро маст?
Деди, руҳ эрмас эрди
танга пайваст!

Шунинг учун Навоий Лайли ва Қайс севгиси, бу севгининг енгилмас қудратини тавсифлаб бўлгач, "Лайли ва Мажнун" достони хотимасида бундай деб ёзган:

Эй ишқ, ғариб кимиёсен
Бал ойинаи
жаҳоннамосен...
Гарчи ситаму
жафо қиларсен
Туфроғни кимиё қиларсен...

Шундан сўнг шоир бир умр ишқ ўтидан узилмасликни тилайди. Бу севгининг чўғидан таним қуруқлик касб этсин, шуъласидан эса кўзим ёруғ бўлсин, оҳимни унинг тутунларига ўхшатгим, бу дудлардан кўзим ёшлари равон бўлсин, деб истаклар изҳор этади:

Ёраб, мени дардманди маҳжур
Ким ишқ ўти жоним этди маҳрур
(ҳароратли)
Бул ўтдин кўнглим этма маҳзун
Бал шовқини қил дамодам афзун.
Ҳам ахгаридин (чўғидан)
таним қурутқил
Ҳам шуъласидин кўзим ёрутқил.
Оҳимники, дудидин нишон эт
Ул дуд ила кўз ёшим равон эт!..

Бу шеърлардаги ҳар бир мисра севги наволари бўлиб янграйди. Улар инсонни, ғўзалликни куйлайди, севги бахтиёрлигини талқин қилади, инсон ҳаётининг моҳияти муҳаббат ва эзгуликдан иборат бўлмоғини тараннум этади.

Азиз ҚАЮМОВ,
академик.

Газетанинг 2003 йил 6 март сонидаги «Халқаро тезкор почта» ОТАЖ эълонига қўшимча.

«ХАЛҚАРО ТЕЗКОР ПОЧТА» ОТАЖнинг 2002 йил молия натижалари ҳисоботи

(минг сўм)

1.	Сотувдан тушум	188103,7
2.	Сотув таннарҳи	80102,8
3.	Сотувдан келган молиявий ялпи натижа	108000,9
4.	Маъмурий харажатлар	48052,7
5.	Бошқа операцион даромадлар	1482,6
6.	Асосий хўжалик фаолияти молия натижаси	61430,8
7.	Молиявий фаолият бўйича бошқа даромадлар	6653,2
8.	Молиявий фаолият бўйича бошқа харажатлар	1201,2
9.	Солиқ олингунгача қадар фойда	66882,8
10.	Ягона солиқ	19669,8
11.	Соф фойда	47213,0

Аудиторлик текширув «Ажур Плюс» аудитор фирмаси томонидан амалга оширилди, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг 2001 йил 12 мартдаги № 15 лицензияси, 1996 йил 17 июндаги № 175 давлат (2001 йил 25 январдаги ўзгаришлар ва қўшимчалар билан) рўйхатидан ўтганлиги тўғрисидаги гувоҳнома.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Котибияти Котибиятнинг масъул ходими А.Б.Гофуровга отаси
БОЙИСЖОН отанинг
вафот этганлиги муносабати билан чуқур ҳамдардлик изҳор қилади.

Ибн Сино Халқаро жамғармаси жамоаси жамғарма бошқарувининг аъзоси, Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 1-клиник шифохонаси бош шифокори
Баҳодир ЙЎЛДОШЕВнинг
вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига чуқур таъзия изҳор этади.

Тошкент давлат юридик институти жамоаси Республика ҳуқуқий маърифат тарғиботи марказининг директори, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби, профессор Гофур Абдумажидовга онаси
ҲИКОЯТХОН аянинг
вафот этганлиги муносабати билан чуқур ҳамдардлик изҳор этади.

«Ўзбурғунефтгаз» акциядорлик компанияси меҳнат жамоаси компания бошқарув аппарати собиқ ходими, корхона фахрийси
Владимир ЧЕКУБАШнинг
вафот этганлиги муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур ҳамдардлик билдиради.

ЕВРОПА ТИКЛАНИШ ВА ТАРАҚҚИЁТ БАНКИНИНГ КИЧИК ВА ЎРТА БИЗНЕС (КЎБ-2) УЧУН КРЕДИТ ЛИНИЯСИ

Кредитлар - $100 000 дан $1 000 000 гача
Йиллик фоиз ставкаси - LIBOR+Банк маржаси
Кредит муддати - 5 йилгача
Кредитни қайтариш учун 2 имтиёзли йил
Молиялашда тажрибага эга бўлган малакали мутахассислар
Кредитни таъминлашда эгилувчан муносабат

КРЕДИТНИНГ АСОСИЙ ШАРТЛАРИ:

1. АҚШ долларида бериладиган кредитлар, кредит линияси тижорат банк ҳамкорлари орқали берилади:
   - ўрта ва узоқ муддатли лойиҳалар ва (ёки)яратиш, модернизациялаш, саноат ва ишлаб чиқариш объектларини кенгайтириш ва диверсификациялаш инвестициялар дастури ҳамда хизмат кўрсатиш сектори компанияларини молиялаштириш;
   - аниқ лойиҳа ёки инвестиция дастурлари учун зарур саноат ва ишлаб чиқариш корхоналари айланма капиталини ишлаб чиқариш мақсадида ёки хизмат кўрсатиш сектори компаниялари учун қўшимча ва бошланғич айланма капиталини молиялаштириш;
   - экспорт учун маҳсулот ишлаб чиқарувчи ва эркин конвертацияланадиган валютада фойдага эга саноат корхоналарини, бундай экспорт молиялаштириш муддати 360 кундан ошмаслиги шарти билан экспорт ва экспортдан олдин молиялаштириш учун берилади.
2. **Кредитнинг энг кам миқдори - $100 000.**
3. **Кредитнинг максимал миқдори - $1 000 000.**
4. Кредитни қайтариш муддати — **5 йилгача, 2 йил** имтиёзли муддати билан, айланма маблағлар ва экспорт кредитларидан ташқари ҳамма ажратилган кредитлар қайтариш муддати **12 ойдан ошмайди.**
5. Кредитнинг қайтариш муддати кредит олувчи ва ҳамкор банк билан бизнеснинг мавсумлиги ва бошқа хусусиятларидан келиб чиқиб белгиланади.
6. Ҳамкор банкка тўланадиган **ставкаси ЛИБОР + банк маржаси** ташкил қилади. (олти ойлик US$ ЛИБОР кредит фоиз ставкаси охирги йиллари 1,7-4,0 фоиз атрофида бўлган, 2003 йил 28 февралга кўра олти ойлик US$ LIBOR миқдори 1,35 фоиз).
7. Тақдим этилган **гаров** активлари (ҳамкор банк баҳолайди)кредит бошланғич миқдорининг **120** фоизини ташкил этиши лозим. Гаров буюми сифатида банкни қониқтирган мулк, жумладан, кредит ҳисобига олинган ускуна, кўчмас мулк, транспорт воситаси ва бошқалар. Гаров кредит олувчи ёки кафил томонидан тақдим этилиши мумкин.

КРЕДИТ ОЛУВЧИ ТАШКИЛОТЛАРГА АСОСИЙ ТАЛАБЛАР

1. Ўзбекистонда рўйхатга олинган жисмоний шахс бўлиши керак.
2. Кредит берувчи ҳамкор-банклар билан турдош бўлган корхоналар иштирок эта олмайди.
3. **Қарз/Капитал** муносабати лойиҳани амалга оширишдан аввал ва амалга ошириш жарёнида 75:25 нисбатидан ошмаслиги лозим.

ЛОЙИҲАЛАРГА АСОСИЙ ТАЛАБЛАР

1. Ҳар бир лойиҳа ҳамкор банк томонидан баҳоланади, бунга бизнес-лойиҳаси таҳлили ҳам киради.
2. Лойиҳа қимор ўйинлари бизнеси, тамаки маҳсулоти, алкоголь ичимликлар (таркибида >**15** фоиз алкоголи бўлган), қурол-яроғ ёки ЕТТБ Табиатни муҳофаза қилиш рўйхатига киритилган товар ва фаолиятига алоқадор бўлиши керак эмас.
3. Лойиҳалар ҳажми **100 000 АҚШ долларидан 1 000 000 АҚШ долларигача.**
4. Кредит олувчи лойиҳанинг **25** фоизини ўз маблағидан қоплаши зарур. Бу асосий воситалар, хомашё ва бошқа активлар, жумладан, пул маблағлари бўлиши мумкин.

ҚЎШИМЧА МАЪЛУМОТЛАРНИ ҲАМКОР БАНКЛАРДАН ОЛИШ МУМКИН

Ўзбекистон ТИА Миллий банки
Лойиҳаларни молиялаш бўлими
Тел.: (371)137-62-73.
Тошкент ш., Амир Темур кўчаси,101.

"Асака Банк" ДАТ
Лойиҳаларни молиялаш бўлими
Тел.: (371)120-84-20, 120-83-80.
Тошкент ш., Нукус кўчаси, 67.

ДАЖ "Ўзуйжойжамғармабанки"
Лойиҳаларни молиялаш бошқармаси
Тел.: (371)136-13-08, 133-11-22.
Тошкент ш., Пушкин кўчаси, 17.

"Пахта Банк" АТ
Лойиҳаларни молиялаш бошқармаси
Тел.: (371)120-88-07.
Тошкент ш., Муқимий кўчаси, 43.

АТСҚ "Ўзсаноатқурилишбанки"
Лойиҳа ва савдо молиялаштириш бошқармаси
Тел.: (371)120-45-75.
Тошкент ш., Шаҳрисабз кўчаси, 3.

BIZNES LOYIHA KO'RIGI

ҲОМИЙЛАР

Staatssekretariat für Wirtschaft
Secrétariat d'Etat à l'économie
Segretariato di Stato dell'economia
State Secretariat for Economic Affairs
seco
ШВЕЙЦАРИЯ ИҚТИСОДИЙ ҲАМКОРЛИК ТАШКИЛОТИ

UNIC
"ЎЗБЕКИНВЕСТ" ЭИМСК

ТАШКИЛОТЧИ

European Bank for Reconstruction and Development

Европа Тикланиш ва тараққиёт банки, Швейцария Давлат иқтисодиёт қўмитаси ва "Ўзбекинвест" экспорт-импорт миллий суғурта компанияси ЕТТБ кичик ва ўрта бизнес кредит линияси доирасида **"Бизнес лойиҳалар кўриги"** бошланганлиги ҳақида эълон қилади.

"АСАКА БАНК" ДАК
ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ БАНКИ
"ПАХТА БАНК" АК
"ЎЗСАНОАТ-ҚУРИЛИШБАНКИ"
"ЎЗУЙЖОЙЖАМҒАРМАБАНКИ"

ИШТИРОКИДА

Лойиҳалар ҳақида $100 000 дан $1 000 000

Офисингиз учун компьютер ва оргтехника каби қимматбаҳо мукофот олиш, шунингдек, бизнесингиз учун бепул суғурта полисларига эгалик қилиш имконияти!

Қизиқиш билдирган компания ва ишбилармонлар учун ахборот куни 2003 йил 25 март куни соат 10.00 да "Шодлик Палас" меҳмонхонаси конференц-залида бўлиб ўтади. Манзил: Тошкент шаҳри, Пахтакор кўчаси, 5.

Олдиндан рўйхатдан ўтиш ва қўшимча маълумот учун телефонлар:
(371) 136-00-55, 136-79-15
Кўрикнинг расмий саҳифаси: **www.bpuz.com**

Кўрикнинг PR-кординатори "SAIPRO" компанияси "UzReport.com"ва "БВВ" ҳафтаномаси ахборот кўмаги билан.

«ХАЛҚ СЎЗИ» • НАРОДНОЕ СЛОВО •

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир: Аббосхон УСМОНОВ

Таҳрир ҳайъати: Э. Болиев (масъул котиб — «Халқ сўзи»), П. Дюгай, Ш. Жабборов (бош муҳаррир ўринбосари — «Халқ сўзи»), Л. Кучеренко, М. Миралимов, С. Муҳиддинов, Г. Прохоренко, Ш. Ризаев, А. Саидов (масъул котиб — «Народное слово»), М. Сафаров, И. Ўтбосаров, О. Қаипбергенов (бош муҳаррир ўринбосари — «Народное слово»), А. Ҳайдаров, Ў. Ҳошимов.

ТЕЛЕФОНЛАР:
Газетхонлар билан алоқа ва минтақалар бўлими 133-52-55;
Котибият 133-10-28; Эълонлар 136-09-25.

Рўйхатдан ўтиш тартиби № 00001
Буюртма Г — 253. 34889 нусхада босилди,
ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган.
Қоғоз бичими А—2
Газета IBM компьютерида терилди ва операторлар Жамшид ТОҒАЕВ ва Акбар БОЛТАЕВ томонидан саҳифаланди.
Таҳририятда ҳажми 5 қоғоздан зиёд материаллар қабул қилинмайди.
[t] -Тижорат материали

● МАНЗИЛИМИЗ:
700000, ГСП,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи котиб — Ю. Ҳамидов.
Навбатчи муҳаррир — Ҳ. Каримов.
Навбатчи — М. Холматова.
Мусаҳҳиҳ — Ш. Машраббоев.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. Босишга топшириш вақти — 21.00 Топширилди — 21.50 123456